



Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-YIL • 24-FEVRAL • PAYSANBA • 23 (27.358) • uzbevozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.




ЎЗБЕКИСТОН КИНО САЊЪАТИ МУЗЕЙИ ОЧИЛДИ

Аслида кинолар юрт тарихи, маданияти, турмуш тарзини тарихга мухрлайди, авлодларга етказиши...

Энди эса кино саънати ихлосмандлари ўзбек кинематографияси тарихи билан чуқурроқ танишиши имкониятига эга бўлади...

Тадбирда сўзга чиққан «Ўзбекино» Миллий агентлиги Бош директори Мурод Муҳаммад Дўст...



ят ва саънати ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги (2004 йил 16 март) Фармони кино саънати тарихида муҳим воқеа бўлди...

иборат бўлиб, уларда «Тоҳир ва Зухра», «Маҳаллада дув-дув гап», «Шум бола», «Суюнчи» каби миллий кино саънати дурдоналарининг яратилиши тарихи ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд...

Музейнинг очилиш маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев иштирок этди.

Суратларда: музей экспонатларидан намуналар. М. АМИН (ЎЗА) олган суратлар

ҲОКИМЛАРНИНГ ЁН КУНЛИК ЎҚУВИ

ҚАРШИ (ЎЗА муҳбири А.МУҲАММАДИЕВ). Қашқадарё ва Сурхондарё вилояти ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда туман ҳокимларнинг минтақавий семинар-тренинги бошланди.

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда Оксаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби аъзолари иштирокидаги кенгашда қўйилган вазифалар ижроси масалалари ушбу семинарнинг бош маззусидир.

Иштирокчилар ўн кун мобайнида ҳозирги давр иқтисодий ислохотларининг асосий маъно ва мазмуни, туман миқёсида либераллаштириш жараёнига тўсқинлик қилаётган муаммолар, хусусий тармоқни жадал ривожлантириш ва минтақа иқтисодиётида унинг улушини кўпайтиришни таъминлаш масалалари бўйича фикрлашди.

Шунингдек, етакчи мутахассисларнинг қишлоқ жойларида маҳаллий хомашёга асосланган хусусий ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш учун шароит яратишда ҳокимликларнинг ўрни, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш мавзуларида маърузалар тингланади. Семинарлар очик мулоқот тарзида ўтаётгани уларнинг самардорлигини янада оширмоқда.

Машғулотларда тегишли вазирилик ва уларга қарашли идораларнинг мутахассислари, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тошкент молия институти профессор-ўқитувчиларининг маърузалари тингланмоқда.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Орипов, Қашқадарё вилояти ҳокими Н.Зайниев иштирок этди.

Самарқанд шаҳридаги «Президент Палас» меҳмонхонасида Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари ҳокимлари ўринбосарлари ва туман ҳокимларининг семинар-тренинги иш бошлади.

Ўн кун давом этадиган мазкур тадбирда йирик сиёсатчи ва иқтисодчилар ёрдамида муҳим йўналишлар — иқтисодий ислохот қилиш ва эркинлаштиришнинг долзарб вазифалари, аграр тармоқдаги, ижтимоий соҳадаги янгиликларни, хавфсизлик ҳамда ташқи сиёсат билан боғлиқ масалалар юзасидан машғулотлар олиб борилди.

Дастлабки кун ислохотларнинг ҳозирги босқич мазмун-моҳияти, туман шароитида ислохот ва уларни эркинлаштириш жараёнидаги тўсқинликни бартараф этиш йўллари, хусусий секторни ривожлантириш чора-тадбирлари, хусусий корхоналар ривож учун шарт яратишда ҳокимларнинг вазифалари муҳокама этилди. Уларда Бош вазир ўринбосари У.Султонов, Давлат мулки қўмитаси раиси М.Аскарлов, Марказий банк бошқаруви раиси ўринбосари Ш.Тошмуродов, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг бошқа маъсул ходимлари машғулот ўтдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Азимов, вилоят ҳокими М.Нурмуродов иштирок этдилар.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ЯПОНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ЭЪТИБОРИ

нянинг ҳамфирқлигидан, мамлакатларимизда узаро ҳамкорликка интилиш қўчилигидан яна бир далолатдир.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг илк йилларида Ўзбекистон Япония билан ҳамкорликка алоҳида эътибор бериб келади. Япония ҳам иқтисодий тараққиётни қўллаб-қувватлаш орқали мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантириб келмоқда. У сармои соҳасида Ўзбекистоннинг энг йирик шерикларидандир. Шу вақтга қадар юртимизга киритилган Япония сармоиси ҳажми салкам икки миллиард АҚШ доллариغا етди. Бунинг 910 миллион доллари кадрлар тайёрлаш, энергетика, транспорт инфратузилмаси ва телекоммуникация тармоқларида доир лойиҳалар учун ажратилган имтиёзли кредитлар ташкил этади.

Ижтимоий аҳамияти молик, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида оид лойиҳалар учун 160 миллион АҚШ доллари ажратилди. Шу қўнларда эса Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятларидаги шифохоналарга тиббий асбоб-ускуналар етказиб беришни

қўзда тутувчи грант-шартномалар имзоланди. Уларнинг умумий қиймати 270 минг АҚШ долларига яқин.

Япония ҳукумати йил давомида юртимизда ўрта таълим мактабларини замонавий жиҳозлаш бўйича бир неча лойиҳани амалга оширишни ниятда. Бу лойиҳаларнинг умумий қиймати 360 минг АҚШ долларига етади.

Булардан ташқари, ҳамшираликка ўқитишни яхшилаш лойиҳасини давом эттириш (2004-2009 йилларга мўлжалланган), соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга бағишланган семинар ўтказиш, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг Японияда малака ошириши, оналар ва болалар саломатлиги масаласига доир қатор тадбирлар мўлжалланмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисодий вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосари, ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев, Япониянинг мамлакатимиздаги Факултетада ва муқорат элчиси Ю.Ниро Кусумото иштирок этди. (ЎЗА)

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТИ

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг мамлакатимиз парламенти палаталари қўшма мажлисидаги дастурий маърузасини дунё матбуоти ва экспертлари ҳамжамияти ҳамон шарҳлашда давом этмоқда.

«Ўзбекистон Президенти «Кўшининг тинч — сен тинч» деган мақолни тез-тез тилга олади. Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда ҳам кўп асрлардан бунён авлоддан авлодларга ўлиб келатган бу доно нақлга риоя қилиб келмоқда, — деб хабар беради «Хитой халқро радиоси». — Президент Ислам Каримов 28 январь кун Тошкентда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон бундан кейин ҳам ушбу тамойилга риоя қилаётганини таъкидлади».

Хитой радиостанцияси ўз тингловчилари эътиборини мамлакатимиз ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналишларига — Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, уни барқарор хавфсиз ҳудудга айлантириш, бу ерда интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умумий бозорни барпо этиш билан боғлиқ масалаларга қарат-

ди. — Давлат раҳбарининг мазкур маърузасини мустақил Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг дастурий ҳужжати сифатида баҳолаш лозим, — деб таъкидлади декабрь ойида бўлиб ўтган парламент сайловларида халқро қузатувчи сифатида қатнашган россиялик олим, Россия Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академияси проректори, профессор Юрий Кашлев ўзбек дипломати билан суҳбат чоғида. — Мазкур маърузада республикадаги демократик ўзгаришларга баҳо берилибгина қолмай, яқинда фаолиятини бошлаган икки палатали парламент шароитида жамиятнинг янада ривожлантириши аниқ истиқболлари ҳам ўз ифодасини топган.

Россиялик дипломат ушбу маърузада қайд этилган бир муҳим жиҳат, яъни мамлакатнинг демократик янгилашни ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча

асосий қадриятларни ўзида муҳасам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқич-ма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай қўч тўхта олмайди деган фикрлар, қонуний жараён эканлиги хусусидаги фикрлар ўзининг хотирасига муҳрлашиб қолганини айтди.

Мисрда чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири — «Аль-Мустабал» ҳафтаномаси ҳам ўз ўқувчилари эътиборини Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Парламенти палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасининг асосий мазмун-моҳиятига қаратди. «Аль-Ахром» сиёсий ва стратегик тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари Муҳаммад Сайид бунга ўз муносабатини билдирар экан, «Ўзбекистон Президентининг маърузасида ўзбек жамияти ривожланишининг асосий тамойиллари ва қўламлари ўз аксини топган бўлиб, унда давлатнинг ички, ташқи ва иқтисодий сиёсатида доир барча вазифалар қамраб олинган», деди.

«Жаҳон» АА.

Депутат мушоҳадаси

«БУ ДУНЁНИНГ КЎРКИ ОДАМ БОЛАСИ...»

Ҳаётдаги ўзгаришларга, воқеа ва ҳодисаларга, қайсидир бир маънода муносабат билдириш, фикр юритиш, таҳлил қилиш инсонга хос юксак фазилят.

Мустақиллик туғайли юртимизнинг ҳар бир фуқароси ўзи фикрини очик айтиши, муаммоларга, давлат сиёсатида бемалол муносабат билдириши учун кенг имкониятлар очилмоқда. Бу имкониятлар, ҳўққ ва эркинликлар энг аввало Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари орқали қаролатилган.

Мамлакатимизда ҳўққий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги устувор йўналишлар халқ томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу фуқароларимизнинг ўзини ўзи бошқариш ташкилотларида фаол иштирок этаётгани ҳам аққол кўзга ташланади.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида «...сайловларни ўтказиш жараёнида сайловчиларимиз ўзларининг сиёсий ва фуқаролик сависии етуқлигини, ўз ҳаёти, ўз келажакини умумэтироф этилган демократик қадриятлар асосида қуришга қодир эканликларини намўён этдилар... Фуқароларимиз сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим, жамиятимизнинг барча ҳабақларидан амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига, демократик, ҳар бир сайловчи тақдирини таъсир кўрсатадиган сиёсий воқеа сифатида ёндашилди», деб таъкидлаган сўзлари устиде чўқур мушоҳада юритмоғимиз зарур.

Шу ўринда мақолага сарлавҳа қилиб олинган қоракўллик классик шоири Аҳиниёзнинг «Бу дунёнинг кўрки одам боласи» мисраси бугун фуқаролик жамияти қуришда фаол иштирок этаётган ҳар бир ватандошимизга берилган баҳодек жаранглайди. Улуғ мутафаккир Жалолиддин Румийнинг «Инсон бугун борлиқнинг ҳўлусоси ва асоси» деган фикрлари ҳам инсон ва жамиятнинг бир-бирига узвий боғлиқлигини аңлатади.

Фикримизни давом эттириб, яна Президентимизнинг қўшма мажлисидаги маърузасига қайтайлик: «Биз бугунги кунда минтақамизда яшаётган халқлар гўёки ҳали демократия учун тайёр эмас, бу борада «пишиб етилмаган», улар олдин камбағаллик ва қашқоқлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишлари зарур, шундан кейингина демократия қуриш,

сиёсий ва иқтисодий ислохотлар учун шарт-шароит юзага келади, деган гапларни ҳам кўп эшитамиз. Бундай баёнот ва ёндашувлар — аввало, тарихий билмаслик, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятига, қўч-қўдратига ишонмаслик, айтиш мумкинки, ҳозирги дунёни жадаллик билан ўзгартириб бораётган объектив, глобал жараёнларни тушунмаслик натижасидир.

Яқинда бўлиб ўтган сайловларга тайёргарлик, номзодлар билан учрашув ва бошқа тадбирлар вақтида юқорида айтилган кайфиятдаги кимсаларни ҳам учратдик. Лекин улар кам санокли. Мен сайловди тадбирларда сайловчилар, жамоатчилик билан кўп марта учрашиб, мулоқот қилдим, суҳбатлашдим.

Уша учрашувларда гўёқ бўлдимки, халқимиз мустақиллик йилларида мамлакатимизда турли соҳаларда қатта янгилашни ва ўзгаришлар рўй бераётганини ижобий баҳоламоқда. Улар Президентимизнинг тинчликсевар сиёсати, бошқа ривожланган давлатлар билан иқтисодий ва маданий муносабатларнинг мустақамланиб бораётгани, ёш авлодга яратилаётган имкониятлар, ислохотларнинг изчил давом этаётганини ёқлайдилар.

Шу билан бирга сайловчилар ўтиш давридаги иқтисодий қўйинчиликлар, айниқса, шу йил қиш ойларидаги газ тақчиллиги, электр энергиясини тез-тез узиб қўйлаётгани, маошларнинг ўз вақтида берилмаслиги масалаларига ҳам эътибор бериб, «Бу муаммоларни бартараф қилишда депутатлар ҳам ёрдам қилин, улар фақат сайлов пайтида пайдо бўлиб, кейин кўрнмаий қўлишларга барҳам берсинлар, ҳолимиздан тез-тез хабар олиб туришларига бизни ишонтирсинлар», деб талаб ҳам қўйдилар.

Албатта, бундай муаммолар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, солиқ, коммунал хизмат ва бошқа соҳаларда ҳам бор. Халқ булар тўғрисида ҳам ўз фикрларини очик баён қилди. Бу эса ҳар бир фуқаро жамиятимизда рўй бераётган янгилашни, ўзгаришларга асло берафқ эмаслигини билдиради.

Юртимизда рўй бераётган жуда кўп ўзгаришлар, янгиликлар жаҳон андозаларига мослиги билан ўлчанади. Улардан бири кўппартиявийликдир.

2-бет

ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари «Меҳр» бирлашмасининг ташаббуси билан кеча Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида «Жамиятнинг демократик янгилашишида хотин-қизларнинг ўрни» мавзусида халқро анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш Дастури (ПРООН), Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ОБСЕ) фаол иштирок этдилар.

Форумда 120 нафар делегат, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутаты, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳор хотин-қизлар қўмиталари раислари, давлат корхоналари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқро ташкилотлар, тадбиркор аёллар, шунингдек, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаларидан келган вакиллар, оммавий-ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Анжуманда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О.Обидов сўзга чиқиб, хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхтади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2004 йил 25 май-

даги) Фармони республика Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб берган эди. Утган давр мобайнида республикамиз вилоят, туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, маҳалла, оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, баркамол авлодни тарбиялаш, хотин-қизларнинг касбий қўлинка ва тажрибаларини ошириш, интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, ижтимоий-ҳўққий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, айниқса, жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилашни жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини қўлайитириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бирок, айни пайтда республикамизда хотин-қизлар масаласи-

да ўзига хос муаммолар ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайдик. Айниқса, аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат ва ўйиш шароитларини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини янада кенгроқ жалб этиш борасида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар бор.

Анжуманда ушбу долзарб масалалар юзасидан турли фикр-мулоҳазалар билдирилди, баҳо-мунозаралар бўлди.

Светлана ИНОМОВА, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Республикаимизда оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий фаолиятини ошириш, бир сўз билан айтганда, аёллар муаммоси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Фахрланасан арзийдиган ютуқларимиз оз эмас.

Масалан, маданият, фан-техника соҳасида, соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш, лидер, олимпиадаларимиз бор, аспирантурада 46,2 фоиз, докторантурада илмий изланиш олиб бораётганларнинг 33,3 фоиз хотин-қизлар экани, 9 нафар академик аёлимиз борлиги қувонарли, албатта.

Мана, бугун биз барча жаҳада жаҳон андозаларига интилятларимиз. Айрим хорижий мамлакатларда ҳар йили аёллар орасида оммавий «Аёллар спартакиада-си» бўлиб ўтади.

Бизнинг улардан қаеримиз кам? Шу йил 8 март кунин «Республика» муҳофаза қилиш Биринчи спартакиада-си» биринчи босқичига старт берилди. Мени баъзи қишлоқ жойларида, маҳалла ва оилалардаги саломатлик, санитария маданияти ташвишга соляпти. Аҳоли орасида

2-бет

ДИККАТ! «Соврин-2» ютуқли омонат тури ағалари эътиборига Газетамизнинг 2005 йил 26 февраль шабна сонида Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Банкнинг «Соврин-2» хўсқа муддатли, ютуқли омонати тури бўйича 2005 йил 22 февралда Тошкент шаҳри Яқасарой туманида ўтказилган ютуқлар тиражи расмий жадалга эълон қилинади. Барчангизга омад ёр бўлсин!

TOSHKENT SHANAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HANKORI! Tel: 132-25-51, 133-46-61; Faks: 133-20-74 WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'li TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli! Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04 WWW.aloqabank.uz E-mail: info@aloqabank.uz

